

УЎК (УДК, UDC): 81'255.4: 821.112.2Эркин Аъзам7Шовқин  
DOI: 10.36078/ 1570169409

## ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ШОВҚИН” РОМАНИ ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙ ХАРАКТЕРГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ



**Мубашира Баротовна БАРОТОВА**

Ўқитувчи

Инглиз тили кафедраси

Бухоро мухандислик-технология институти

Бухоро, Ўзбекистон

### Аннотация

Эркин Аъзам асарлари дунё тилларига ўгирилмоқда. Мақолада ёзувчининг “Шовқин” романининг инглиз тилига таржимасида миллий хусусиятларнинг берилиши аслият билан қиёслаб ўрганилган.

“Шовқин” романи миллий руҳияти билан ажралиб туради. Асар Аъзам Обидов томонидан инглиз тилига таржима қилинган.

Муаллиф асарнинг инглизча таржимасига хос хусусиятларни умумлаштиради. Қиёслар шуни кўрсатадики, мутаржим аслиятни етказишга ҳаракат қилган. Бу, хусусан, ўзбек характерида хос хусусиятлар ифодасида кўринади. Бироқ роман таржимасида айрим ноқисликлар ҳам кузатилади. Бу портрет ва характерлар тасвирида, сўз ва иборалар таржимасида кўпроқ кўзга ташланади. Асар таржимасидан мақсад – ўзбек халқи ҳаёти саҳифаларини дунё китобхонларига етказиш, халқлар, адабиётлар, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

**Калит сўзлар:** роман; аслият; таржима; ибора; сўз бирикмаси; миллий урф-одат; анъана; миллий руҳ; характер.

### ХАРАКТЕРНЫЕ ЧЕРТЫ НАЦИОНАЛЬНОГО ХАРАКТЕРА В ПЕРЕВОДЕ РОМАНА ЭРКИНА АЗАМА «ШУМ»

**Мубашира Баротовна БАРОТОВА**

Преподаватель

Кафедра английского языка

Бухарский инженерно-технологический институт

### Аннотация

Работы Эркина Азама переведены на разные языки мира. В частности на английский язык, перевод на который литературных произведений автора является своеобразным. В статье исследуются особенности перевода национальных особенностей романа «Шовқин» («Шум») на основе сравнительного анализа.

Роман Эркина Азама «Шум» отличается своим национальным духом. Это произведение было переведено на английский язык Агзамом Обидовым, которое является

одним из больших достижений переводчика. Перевод романа и сравнительный анализ показывают, что переводчик Азам Обидов стремился передать оригинальность работы, особенно это касается характерных черт узбекского характера. Тем не менее роман содержит некоторые недостатки, которые наблюдаются в переводе изображения портретов и персонажей, определенных слов и фраз. Цель перевода романа — донести читателю особенности жизни узбекского народа, укрепить узы дружбы народов, узнать литературу Узбекистана.

**Ключевые слова:** «Шум»; оригинальность; перевод; фраза; словосочетание; национальный обычай; традиция; национальный дух; характер.

### TRANSLATION PECULIARITIES OF THE NATIONAL FEATURES OF THE NOVEL “THE NOISE”

**Mubashira Barotovna BAROTOVA**

Teacher

Department of English

Bukhara Engineering and Technological Institute

Bukhara, Uzbekistan

#### **Abstract**

The works by Erkin Azam are being translated into many world languages. Specifically, there are unique characteristics of the English translation of the literary works by Erkin Azam. The article deals with the translation of the national features of the novel on the basis of a comparative analysis. One of the most prominent representatives of the modern Uzbek literature, Erkin Agzam's work, "Shovqin", is distinguished by its national-cultural spirit. The work has been translated into English by Agzam Obidov. The article summarizes the national features of the novel. The interpretation and a comparative analysis shows that the translator Azam Obidov did his best to message the readers the originality of the work, which is observed in particular on the features of the Uzbek character. However, there are some drawbacks, in terms of the description of the portraits and characters in the translation of particular words and phrases. The purpose of the translation is to introduce the Uzbek people's lifestyle to the readers of the world; to strengthen the communication among people, literature, and intercultural society.

**Keywords:** “Heirs to the Great Sinner Sheikh San'on”; originality; translation; phrase; conjunctive words; national; traditions; habits; national spirit; character.

Бадиий таржима халқларни бир-бирига яқинлаштиради, уларнинг маънавияти, урф-одатлари ҳамда дунёқараши билан таништиради. Бунда тилшунослар, таржимонлардан нафақат тил бўйича билим ва кўникмалар, балки асарнинг ўзига хос “тил”ини ҳис қилиш, аслият моҳиятини ўқувчига етказиб бериш талаб қилинади.

“Бадиий ижод турлари орасида таржима кўпроқ илмий асос талабдир” (2, 4). Шунга кўра, тил ва таржима назариясини чуқур билиш, ҳар икки тилнинг лексикасига хос сўзлар, мақол, матал ва ибораларнинг маъносини тўғри тушуниш асосида ўзга тилга ўгириш таржимонга катта масъулият юклайди.

“Шовқин” романининг инглизча таржимасини ўқиганда мутаржим ментал хусусиятлар, ўзбек халқининг яшаш тарзи, характери, рухияти тасвирига эътибор қаратганини кузатиш мумкин. Ушбу фикрларимизни қиёслар орқали асослашга ҳаракат қиламиз. Ўзбекчада: “Майдончада таранглик, бақироқ режиссёрнинг ғазаби ҳукм суради” (6, 32), Инглизчада: “The situation on set is tense, the loud-mouthed producer is too angry” (7, 206). “Бақироқ” сифати “the loud-mouthed” тарзида ўгирилганки, бу сўз лексик жиҳатдан иборага тенг келади. Гарчи сўз ибора шаклида ўгирилган бўлса-да, ўзбек режиссёрининг характериға хос хусусиятни акс эттира олган. Ёки “Фарҳод бу очик-сочик, аллақандай жонсарак аёлнинг гапларига лол бўлиб ўтирарди” (6, 37). Инглизчада: “Farhod was listening to this open and somewhat confused woman with surprise” (7, 213). Мазкур мисолларда асар персонажига хос “жонсарак” сифати инглиз тилида сифатдош орқали “somewhat confused” тарзида ўгирилган. Гарчи бунда сўз туркуми ўзгарган бўлса-да, таржима “бироз чалғиган” сўзига тенг келади ва ёзувчи ифодалаган маънони бера олган. “Ёзувчининг анови “қаҳрамонлиги”-ку майли, аммо унинг рostaкам тантилиги ўша куни базм охирида билинди: у ҳаммани лол қолдириб ҳамма харажатни тўлаб кетибди” (6, 106) жумласидаги тантилик характер қирраси very generous бирикмаси орқали моҳирона тасвирланган: “ — Well, it was clear that the writer had shown “heroism” before, but he really was very generous; it turned out that before he left he had footed the bill for all of us that evening” (7, 290).

“Худо ҳаққи, ҳали-ҳануз бунақа сулувини кўрмаган эдим. Ранг-рўйи мана шу булоқ сувидан ҳам тоза, тиниғ-а!” (6, 46) парчаси инглиз тилиға қўйидагича ўгирилган: “O Allah, I’d never seen such a beauty before! Her face and eyes were as clear as that spring, so pure!” (7, 222). Эътибор берилса, таржимада лексик ва грамматик аслият сақланиб қолинган. “Сулув” сўзи аслида сифат сўз туркумиға киради, матнда эса отлашган сифат бўлиб келган. Таржимада эса от туркуми тарзида ўгирилган. “Ранг-рўйи мана шу булоқ сувидан ҳам тоза, тиниғ-а” бирикмасида ўзбек тилидаги мазмун ташбеҳ орқали амалға оширилган. Шу асосда матн жозибаси сақланган.

Ёзувчи миллийликни бериш мақсадида қаҳрамони — Гуля Лагутинани тантириш жараёнида портрет элементларидан фойдаланади: “Тўғри, ўхшайди-ю, қорачагина-ю, кўзи ҳам билинар-билинем пистароғ-у, ана шу қароққиналарининг туб-тубида ўзбекниқидан фарқ қиладиган бегона алланима бор эди” (6, 109). Мутаржим мазкур матн таржимасида ўзбек

тилидаги мазмунни акс эттира олган. Фақат “қорачагина” сўзи ўзбек халқига хос кўриниш бўлиб, у сўз бирикмаси — “dark complexion” шаклида инглиз тилида ифодаланган. “Кўзи ҳам билинар-билинемас пистароғ-у” жумласи ҳам ўзбек миллатига хос кўриниш — кўзни ифода этади. Таржимада бу жумла ҳам инглиз тилига мантиқан тўғри ўгирилган: “It’s true she did look like an Uzbek woman thanks to her dark complexion, and her slightly slanted eyes, but there was something different and alien in those eyes of hers” (7, 292). Қаҳрамоннинг номидан маълумки, у асл ўзбекча эмас. Асарда тасвирланишича, Гуля Лагутинанинг оиласи ўзбекистонлик, бироқ тақдир тақозоси билан Россияда яшаб қолган. Бироқ аёлнинг ташқи кўринишида ўзбек миллатига хос хусусиятлар сақланиб қолганлиги инглизча матнда ўз ифодасини топган.

Шунингдек, асарда қатор ўзбек миллий урф-одат ва анъаналарини инглиз тилига ўгиришда таржимон маҳорати кўрилади. Масалан: “Эс-эс ёдимда: хатна тўйимга у киши роса кутилган-у, негадир келмаган. Айтишларича, кейин чукбурронда қатнашганмиш, лекин мен у пайтда одам-подамга қарайдиган аҳволда эмас эдим...” (6, 54) парчасидаги “хатна тўйи”, “чукбуррон” кабилар ўзбек халқининг суннат тўйи маросими билан боғлиқ ўзбекча ва тожикча сўзлар бўлиб, улар “circumcision celebration”, “the circumcision ritual” тарзида таржима қилинган. Яъни бунда иккинчи сўз сўз бирикмаси ҳолида китобхонга етказилган. Ёки “Одатдаги қуюқ-суюқ, одатдаги “олинг-олинг”у сипо гурунг” (6, 81) лавҳасида ёзувчи ўзбек халқининг бутун дунёга машҳур меҳмоннавозлиги, одамохунлигини “қуюқ-суюқ”, “олинг-олинг”, “сипо гурунг” тарзида ифода этган. Таржимада бу қўйидагича ифодаланган: “The usual food, the usual first and second courses, accompanied by the usual modest topics of conversation ruled the banquet” (7, 260). Бунда “қуюқ-суюқ” атамаси хилма-хил ўзбек таомларини, аниқроғи, суюқ ва қуюқ овқатларни ўзида мужассамлаштирган. Таржимада бу ифода мантиқан тўғри берилган. “Олинг-олинг” такрор сўзи меҳмонни дастурхонга чорлаш мақсадида ишлатилади. Таржимада бу сўз айнан берилмаган. Бироқ “сипо гурунг” бирикмасини бериш орқали таржимон мазмунни чиқара олган. Айни замонда, инглиз тили имкониятларидан келиб чиқиб, матнда “банкет” сўзини қўлланган. Маълумки, бу сўз ўзбекча эмас, балки бошқа тиллардан ўзлашган. Шу жиҳат инобатга олинса, таржимада бироз бўлса ҳам миллийликдан йироқлашиш сезилади.

“Сочлари қоп-қора, ўзи ҳам қорамум-қорапаранг, афти доим бужмайиб юрадиган бу исқиртнамо “чашма”хўрни Фарход жинидан баттар ёмон кўрарди” (6, 68) мисолида портрет тасвири мавжуд. Игорь Семашенковнинг ташқи кўриниши тасвирланган бу парчада унинг ички дунёси, характери ҳам очиб берилган. Мутаржим ҳам таржимада юқоридаги жиҳатларни эътиборга олган ва моҳиятни тўғри етказа олган. Хусусан, “жинидан баттар ёмон кўрарди” ифодаси бир сўз — “irritated” орқали берилган: “Farhod was usually irritated by this swarthy, grimy, blackhaired person who always wore a frown” (7, 247).

Шу билан бирга романнинг инглизча таржимасида таржимоннинг асл вариантдаги миллийлик белгиларини тўлиқ бера олмаганлиги ҳолатлари ҳам кузатилади. Жумладан: “Бир вақтлар хушрўйгина, қадди-қомати ҳам жойида бўлган, кейин негадир ўзига қарамай қўйган, киною киночиликдан бошқа ташвиши йўқ, қирқларга яқинлашган шўртумшук бир аёл!” (6, 3) парчасида персонаж характерини очиб беришга хизмат қилган “шўртумшук” сифати таржимада акс этмаган. Натижада характер тўлақонли очилмай қолган: “Gulya was about 40 years old. She had probably once been a real beauty but later stopped paying attention to her figure and looks, forgetting everything but film and the film industry (7, 21). Ваҳоланки, инглиз тилида бу сифатни ифодаловчи unsociable, difficult, antipathetic каби муқобил сўзлар мавжуд.

Ёки бошқа бир ўринда ёзувчи қуйидаги тасвири беради: “Гуля Лагутина ичкариги хонада ўзига ўхшашиб кетадиган (ё армани, ё озари) бир аёл билан ачомлашиб-чўлпиллашиб, пичир-пичир қила бошлади” (6, 40). Бу парча “Calling from the second room, Gulya Lagutina greeted them warmly but then began chatting with another woman who looked Armenian or Azeri” (7, 215) тарзида инглиз тилига ўтирилган. Таржимада “ўзига ўхшашиб кетадиган” бирикмаси туширилиб қолдирилган. Аслида матнни: “In a second room Gulya Lagutina was chatting with an Armenian or Azeri woman looked like herself” тарзида янада миллий кўринишда ифодалаш мумкин. Қолаверса, “ачомлашиб-чўлпиллашиб”, “пичир-пичир қила бошлади” сўз ва сўз бирикмалари поэтик бўёқларсиз китобхонга тақдим этилган. Таржимадаги бундай ўринлар бадий асар таъсир кучини пасайтиради, албатта. Ёки: “Лекин зерикди. Манови кўрсу қайсар бола билан бир хонада ўтиравериб сиқилиб кетди” (6, 48) мисолининг “But he was bored. It was really boring to sit with this stubborn man in one room” (7, 224) тарзидаги таржимасида “кўрс-у қайсар” жуфт сўзи “stubborn man” тарзида берилган. Аммо кўрслик айнан

кайсарлик сифати эмас. Ёзувчи томонидан қўлланган характерни аниқлаштиришда маънони кучайтирувчи бу бирикмани таржимада *rude pigheaded fellow* кўринишидаги инглиз тилидаги ибора билан ифодалаш мумкин: “ — But he was bored. It was really boring to sit with this rude pigheaded fellow in the same place”.

“Уй-рўзғору бола-чақадан бошқа ғами йўқ, отамни бир худо қатори биладиган бечора пой-патак энамга ҳам. Нима деб айтаман ахир?” (6, 93) парчасидаги ўзбек аёлининг ўзига хос хусусиятларидан бирини ифодаловчи пой-патак энам мисоли таржимада ифодаланмаган. Яна бир мисолда шунга яқин мўминтой энам “*my simple-minded mother*” билан ифодаланган бўлиб, бу айни миллий калоритнинг такрорланмас кўринишидир. Бу иборанинг инглиз тилида айни муқобили, ҳатто яқин муқобили бўлмаса-да, яъни хокисорлик Европа халқларига хос хусусият бўлмаса-да, уни *harmless creature* тарзида ифодалаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ёки “Кенггина чорси хонадаги зиёфат дастурхони бошида опоқисифат уч хотин билан янги дўппи кийган сипонамо икки эркак гангир-гунгур қилиб ўтирарди; опоқилардан бирининг тиззасида тўйболадек кийинтирилган икки-уч яшар болакай — неvara шу бўлса керак” (6, 80) жумласи таржимасида “*Three older women and two simple-looking men wearing new skullcaps were sitting talking among themselves at one corner of the banquet table. One of the women was dandling a toddler on her lap*” (7, 26) айни шу давра, манзара “сабабчиси” ҳақидаги маъно берилган, бироқ “тўйболадек кийинтирилган” бирикмаси инглиз тилида тушириб қолдирилган. Буни “*dressed solemnly*” тарзида ёки “тўйболадек кийинтирилган икки-уч яшар болакай” бирикмасини “*hero of the day*” орқали ифодалаш мумкин.

“Жавоб қилганда ҳам ўзимнинг билағонлигимни, суҳбатдошимдан нечоғлиқ устунлигим-у таптортмас ҳақсўзлигимни кўрсатишга ошиқардим. Ёш эдим, ғўр эдим-да...” (6, 53) парчаси таржимасида таптортмас сифатининг таржимаси берилмаган: “*I always tried to show off, assuming I was cleverer, more truthful and more intellectual than whoever I was talking to. Ah, I was so young and callow then!*” (7, 229). Бу ўринда айни сифатни *outrageous* аниқловчиси билан ифодалаш ўринли. Аммо “Ёш эдим, ғўр эдим-да” гапининг “*Ah, I was so young and callow then!*” тарзидаги таржимаси айни ёзувчи ифодалаган конструкция ва маънони бера олган. Шу билан бирга мутаржим “Тошпўлат деганлари ўзим қатори бир йигит экан. Аммо қадди-басти роса келишган, барваста, мушакдор. Муомаласини айтмайсизми, жуда

майин-мулойим, ўнта гапингизга бир оғизгина қилиб хуш табассум билан жавоб қайтаради” (6, 59) гапидаги ҳаётий мазмунни таржимада акс эттира олган: “Toshpulat was the same age as me. But he was a strong, handsome, muscular young man. He was also well-mannered and very polite; whenever you ask him anything, he answers with a pleasant smile” (7, 23). Ёки “Харакатлари шатир-шутур, беҳуд, эсарнамо, бир ёққа шошиб турган каби бидирлаб гапиради” каби миллий колоритга бой тасвирнинг “He behaved strangely, had an absent-minded air, and spoke as if he were rushing off somewhere” шаклидаги таржимаси ҳам аслиятга мувофиқ келади. Шунингдек, “Қарасам, Фарҳоднинг киноулфатлари билан яна ўтиргиси бор, мен эса нариги Фарҳодга сўз бериб қўйганман — бугун анови деновлик дўлвор акахонимиз келмоқчи, кўнгли ярим одам, бормасам бўлмас эди” (6, 10). “Today, our brother from Denov was due visit us and I had to be there on time so as not offend him” (7, 293) таржимасида ёзувчи томонидан персонажнинг оддий ва содда инсонлигига урғу бериш учун қўллаган “дўлвор” сифати тушириб қолдирилган. Бу матни: “Today, our naïve brother from Denov was due to visit us and I had to be there on time so as not offend him.” тарзидаги таржимасини бердик.

“Отаси — эски дўсти, халқ артисти, ўлгудек улфатпараст, пазанда, белига пешбанд тутиб, чойхонада жигарни шундай қовурадики, ундан-да ошиб тушадиган ошпаловига кейин биров қарамай кўяди, ...” (6, 8) жумласининг “The actor’s father is an old friend of his and holds the prestigious title of People’s Artist. Extremely fond of company, he is an excellent cook” (7, 178) тарзидаги таржимасида аслиятдаги лексик, грамматик ва стилистик ходисалар ўртасидаги уйғунлик сақланган: “His father, the old buddy of his, People’s Artist, the excellent company makes the liver so good ...” Бунда ёзувчи томонидан уюшиқ бўлақлар тарзида берилган сифатлар ифодаланиб, ўзбек тилидаги равонлик сақланиб қолинган.

Асардаги “Ўзини ҳар не қилсангиз чидайдди — жони тошдан, кечиримли” (6, 44) ифодаси “He endures whatever you do to him — he is too patient and forgiving”, (7, 220) тарзида инглиз тилига ўгирилган. Унда таржимон “жони тошдан” иборасини “too patient” дея сўз шаклида берган. Аммо бу иборанинг инглиз тили оғзаки нутқида “a great stayer” тарзидаги айнан муқобили мавжуд. Шу асосда юқоридаги “жони тошдан, кечиримли” парчасини инглиз тилига “he is a great stayer and forgiving” тарзида ўгириб, асл маънони ифодалашга эришиш мумкин эди. Ҳозирги ҳолатда эса мутаржим қаҳрамон характерини очиб беришга, мазмунни ифодалашга

ҳаракат қилган бўлса-да, асарда акс этган лексик бўёқдорликка, таъсирчанликка эриша олмаган.

Асардаги бош қаҳрамон Мирзо Рамазон характерини ифодалашда ҳам таржимон ўзбек халқига хос хусусиятларни айнан ифодалай олмаган: “Мирзо Рамазон, комсомолдан етишиб чиққан жайдари бир романтик эмасми, айни ўша кезларда туғилган тўнғичига, давр билан ҳамқадам бўлмоқ илинжида, ҳовлиқиб ана ўша серсоқолнинг отини кўйган (6, 16). “Жайдари” сўзи ўзбек характерига хос сўз. Бу сўз “simple” шаклида таржима қилинган. Тўғри, мазкур сўз ҳам “оддий, содда” маъноларида қўлланади, аммо “plain” сўзи фақат инсонга нисбатан қўлланилади ва “оддий, жайдари” сифати маъносини беради. Бизнингча, таржимон “plain” сўзи орқали бош қаҳрамон характерига муҳим хусусиятни инглиз китобхонига тушунарли тарзда етказиши мумкин эди. Қолаверса, бундай сўзлар қаҳрамонга нисбатан симпатия ёки антипатия муносабатларини пайдо қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Асардаги бошқа бир бадиий парча эътиборли: “Тошкентда юрганида унча-мунчани назарига илмайдиган, сўзлашмоқ у ёқда турсин, саломингизга зўрға бош қимтибгина ўтадиган танноз хоним, Фарҳодга кўзи тушгач, дўстона кўл силкиди-да, ҳамроҳининг “бўш” енгидан тортиб бу томон бошлади” (6, 25). Мутаржим уни қуйидагича таржима қилган: “This rather arrogant, coquettish lady, who would give people the cold shoulder even in Tashkent, suddenly caught sight of Farhod in the courtyard” (7, 199). Бунда “унча-мунчани назарига илмайдиган” ибораси хусусият билдиради. Муаллиф бу ифодани “arrogant” сўзи орқали ихчам ифодалашга эришган. Айни чоғда мазкур сўзнинг асар таржимасида қайта-қайта қўлланилгани ҳисобга олинса, уни “highbrow” варианты билан алмаштириш имконияти бор эди. Яъни: “Having noticed Farkhad, this highbrow coquette who would give the cold shoulder to people in Tashkent, waved her hands to him ...” тарзидаги таржима бадиий нутқни лексик жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, “Мен азалдан шундай инжику ирганчиқ эдим” (6, 51) жумласи “I, on the other hand, was both finicky and whiney from the beginning” (7, 227), — деб ўгирилган. Бунда “finicky” салбий хусусиятни билдирувчи сифатдир. “Whiney” сўзи эса луғатда салбий бўёқдорликка эга “whiner” кўринишида берилган. Персонаж ўзининг инжиқлигига нисбатан танқидий муносабатда эмас. Шунинг учун бу жумлани “fastidious and squeamish” каби нейтрал сўзлар билан ифодалаш мумкин.



Асардаги “азамат ёшларимиздан” (6, 52) сўз бирикмаси “Valiant young people (7, 228) дея инглиз тилига таржима қилинган. Аслида уни “young stalwart” орқали бериш аслиятни кўпроқ акс эттиради.

Насрий асарларда қаҳрамонни таништирувчи ва унга хос хусусиятларни ифодаловчи восита портретдир. А. Обидов ёзувчи яратган портретлари таржимасида аслиятдаги маъноларини беришга, мазмунни ифодалашга ҳаракат қилган. Бироқ инглиз тили лексик бойлиги имкониятларидан етарлича фойдалана олмаган. Мисол учун: “Унинг ёнидаги — қирқ-қирқ беш ёшлар чамали, истараси иссиқ бир киши эди. Олд томони сийрақроқ тўқ малла жингалак сочи ўсиб елкасига тушган. Маъно тўла шахло кўзлари одамга алланечук меҳрибон, мулойим боқади” (6, 25). Эътибор берилса, ўзбек халқи ташқи кўринишини ифода этувчи “истараси иссиқ” ибораси таржимада деярли берилмаган. Бизнингча, бу иборани миллийликни ифодалайдиган бир восита сифатида инглиз тилидаги “nice face” бирикмаси орқали бериш мумкин эди. Бундан ташқари, “тўқ малла жингалак сочи ўсиб елкасига тушган” жумласи “his blond curly hair” тарзида инглиз тилига ўгирилган. Бу ўғирма эса фақат “унинг малла жингалак сочи” маъносини беради. Демак, тўқ малла “blond” сўзи билан эмас, балки инглиз тилида мавжуд “straw-colored” кўшма сифат орқали таржима қилиниши керак эди. Яъни: “ — His straw-colored frizzy hair ...” парчаси қаҳрамон портретини аслиятга мувофиқ ифодалаш имконини беради.

Асардаги Зоя исмли қизнинг тасвири, яъни “Қоп-қора жингалак сочли, қалин қошлари туташ, лоларанг юзидаги сепкиллари ўзига ярашган, лўлигами, арманигами ўхшаб кетадиган қиз менинг ҳам кўзимга оловдек кўришиб, ичкилик таъсирида унга бир-икки оғиз “олифта” гап отган эканман чоғи, хийлагина қизиб қолган “юбиляр” туйқусдан столни уриб қичқирди: “Ўв студент! Бас қиласанми, йўқми?!” (6, 97) портрети “With her black, curly hair, freckles and her thick eyebrows which met in the middle of her forehead she looked like a Gypsy or an Armenian girl” (7, 279) тарзида таржима қилинган. Бунда “her thick eyebrows which met in the middle of her forehead” бирикмаси жуда узун бўлиб, уни “and joint eyebrows” тарзида бериш орқали услубий ихчамлик ва аниқликка эришиш мумкин.

Романдаги “Каттакон бир арбобнинг эрка ўсган арзанда қизида, кўнглининг кўчаси кўп. Аммо ўзи текисгина, силлиққина, ўрисчаси равон, тил қурғур бийрон, ана десангиз, мана деб туради — шу юрсин-да!” (6, 27) портрети Элмира Камоловага тегишли. Бунда “арзанда” сўзи хусусиятни

билдиради ва ўзбек тилида “ жуда эрка” орттирма даражадаги сифатга мос келади ва кўпроқ салбий оттенка ташийди. Таржимон эса бу парчани “The beloved only daughter of a greater leader, doors swing open for her. But to give her credit, she is a beautiful lady, her Russian is excellent and she is very eloquent” (7, 201) тарзида ўгирган. Эътибор берилса, матндаги “beloved only” сўзлари “ягона”, “севимли” маъноларини билдириб, ижобий бўёқдорлик касб этган.

Демак, маъно нозикликларини инобатга олган ҳолда таржимани амалга ошириш аслиятни беришнинг энг муҳим белгиси ҳисобланади. Бинобарин, ўзбек тилидаги салбий маъно ташувчи “арзанда” сўзининг инглиз тилида “naughty” деган муқобили мавжуд. Қ. Мусаев таъбири билан айтганда, “таржимавий душворлик прагматик, яъни услубий эквивалент бирликларнинг танланиши билан бартараф этилади” (2, 60).

Ушбу асар таржимасида мутаржим ғализ, ўқувчи учун тушунарсиз конструкцияларга ҳам йўл қўйган. Масалан: “Гап-сўздан ҳалиги арзғўй кизимиз; муҳокама чоғи у бир чеккада ер чизиб, шумшайибгина ўтирган, юз-кўзини дуруст кўрмаган эдим” (6, 4) парчаси “She looked like the girl who had written the letter, although I had not seen her face during our discussion earlier on, she’d been cowering with her head bowed” (7, 221) дея ўгирилган. Бунда мантиқий ноаниқлик кўзга ташланади. Бинобарин, таржимон “шумшайибгина” равишини “cowering with her head bowed” тарзида ўгирган. “Cowering with her head bowed” жумласи эса “бошини ўраб олган” маъносини ифодалайди. Ҳолбуки, “шумшайибгина” ҳолат билдирувчи равишини инглиз тилида битта “sulky” сўзи орқали бериш маъно бутунлигини таъминлаган бўларди. Демак, юқоридаги жумлани “Sulky she looked bowing her head” тарзида таржима қилиш орқали бу камчиликни бартараф қилиш мумкин.

“Фарҳод кечки таомни тугатиб, ўрнидан турай деганида тепасида “бурёт маликаси” — Диана пайдо бўлди. Янада очилиб кетган. Ясаниб олибди” (6, 88) ифодаси “She seemed even more beautiful and was very well dressed” (7, 268) предикативли конструкцияси орқали таржима қилинган. Аслида, уни “She got prettier and smartened (preened, dolled) herself” тарзида асосий мустақил феъл билан ифодалаш мумкин. Яна бир мисол: “Кўринишидан ё тажангроқ, ё ўлгудек ҳавоси баланд (6, 100)” матнининг “There was something about him, he was either irritable or overly arrogant” (7, 283) ҳолатидаги таржимаси жуда жўн ва бадий услубга хос эмас. Бу парчани икки хил вариантда ўгириш мумкин бўлади. Биринчиси: “... he was either peppery or haughty guy” кўринишидаги аниқловчи конструкцияси

орқали; иккинчиси: “... he was either spitfire or highbrow” тарзидаги от сўз туркуми билан ифодалаш имконияти мавжуд эди. “Ҳар сўзида “Ўзлари ғилай! Зўр бўлсанг, аввал кўзингни тўғрилаб ол!” деб кўяди (6, 108) мисолининг “Farhod made fun of the healer, saying: “He was cross-eyed, he should have healed himself first!” (7, 291) вариантыда кўчирма гапдаги иккинчи шахсга мурожаат “he” олмоши билан берилган. Матнни эса “...“You squint-eye. Put your eyes right first” кўчирма гап шаклида аслиятдаги каби иккинчи шахс (you) орқали ифодалаб, ёзувчи айтмоқчи бўлган поэтик фикрни таъсирчан ифодалаш мумкин.

Бундан ташқари, асарнинг айрим ўринларида таржимада хатоликка йўл кўйилган. Масалан, “— Тоша-а! Где ты? — дея аввал чақириб, кейин ўзи — кўнжи узун резина этик кийган, жез тишли қаримсиқ бир хотин кириб келди чодирга. Ушбу мисолда “жез тишли қаримсиқ бир хотин” (6, 60) жумласи “a woman in rubber boots, flashing her gold teeth” 7, 238) тарзида ўгирилган. Унда “жез” сўзи олтин маъносидаги “gold” билан берилган. Бу эса мантиқан тўғри эмас. Чунки ўзбек тилидаги “жез” сўзи мис ва рух аралашмасидан иборат металлни ифодалайди. Шу билан бирга таржимада “қаримсиқ” сўзи акс этмаган. Натижада маъно бутунлигига путур етган. Демак, бу парчани: “an old-looking woman in rubber boots, flashing her brass teeth” кўринишида ўгириш аслиятни акс эттира олади. Ёки: “Буни қарангки, Фарҳодимиз ҳам менга ўхшаб шабкўрроқ экан, у ҳам билинтирмаслик учун атай қорамтир кўзойнак тақиб юради” (6, 108) парчасидаги “шабкўрроқ экан” жумласи “But like me, Farhod is half blind, too” (7, 292) тарзида берилган. Аммо “half blind” сўз бирикмаси инглиз тилида мавжуд эмас ва у “шабкўрроқ” маъносини бермайди. Шунинг учун матнни: “As me, Farkhad suffers from night-blindness” тарзида таржима қилиш орқали “шабкўрлик” сўзининг маъносини ифодалаш мумкин бўлади.

Айрим ҳолларда замон руҳини ифодаловчи, миллий-тарихий жараёнларнинг зарур лисоний воситалар орқали акс этмаганлиги таржимани аслиятдан йироқлаштиради. Шу ўринда “Тоғдаги мактабда муаллимлик қиладиган, қалин, қоп-қора сочи икки ёнга тарвақайлаб чаккаларига ларзон солиб тургувчи “стиляга” тоғамиз бир куни Аня исмли ўрис қизни бошлаб келди” (6, 95) гапининг “One day, our stylish uncle with unkempt dark black hair who taught at the local school brought home a Russian girl called Anya” (7, 276) тарзидаги таржимасида мустақилликдан олдинги йилларда ишлатилган “стиляга” сўзи тушириб қолдирилган. Ваҳоланки, унинг инглиз тилида айна

“teddy boy” каби муқобили мавжуд. Шунга кўра, матнни “One day our “teddy boy” uncle with dark black wavy hair ...” кўринишида ўгириш аслиятни китобхонга яхшироқ етказишга хизмат қилади. Ёки: “қалин, қоп-қора сочи икки ёнга тарвақайлаб чаккаларига ларзон солиб тургувчи” уюшиқ бирикмаси “with unkempt dark black hair” тарзида берилган. Бу ўринда “unkempt” – hurpaygan, taralmagan маъносини беради. Аслида, ёзувчи қахрамоннинг сочлари таралмаганини эмас, балки ўзи шу услубда ўстирганлигини, ўта замонавийлигини таъкидлапти. Таржимада эса шу мазмун ифода топмай қолган. Буни “with dark black wavy hair” кўринишида бериш орқали матн моҳиятини аниқ бериш мумкин.

Юқорида замонавий ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Э. Аъзамнинг “Шовқин” романи инглизча таржимасига хос хусусиятларни умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Роман таржимаси мутолааси ва қиёслар шуни кўрсатадики, мутаржим Аъзам Обидов аслиятни беришга ҳаракат қилган. Бу, хусусан, ўзбек характериға хос хусусиятлар ифодасида кўринади. Бироқ роман таржимасида айрим ноқисликлар ҳам кузатилади. Бу портрет ва характерлар тасвирида, сўз ва иборалар таржимасида кўпроқ кўзга ташланади. Асар таржимасидан мақсад — ўзбек халқи ҳаёти саҳифаларини дунё китобхонларига етказиш, халқлар, адабиётлар, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Шунинг учун таржимон ўзбек тилидаги асарни бевосита инглиз тилига ўгирар экан, аслиятдаги матнга алоҳида эътибор қаратиши, миллий ҳаёт манзараларини инглиз китобхонига бор бўйи билан етказишга ҳаракат қилиши керак бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Erkin A'zam. Heirs to the Great Sinner Sheikh San'on // (translated from Uzbek by A'zam Abidov) – United Kingdom: Published in Herdfordshire Press Ltd, 2016. — 375 б.
2. Мусаев Қ. Таржима асослари назарияси. — Тошкент: Фан, 2005. — 221 б.
3. Эркин Аъзам. “Шовқин” роман, қисса, ҳикоялар. — Тошкент: Ўзбекистон, 2011. — 240 б.

#### REFERENCES

1. Erkin A'zam. Heirs to the Great Sinner Sheikh San'on, United Kingdom: Published in Herdfordshire Press Ltd, 2016, 375 p.
2. Musaev Q. *Tarjima asoslari nazariyasi* (Theory of basis of translation), Tashkent: Science, 2005, 221 p.
3. Erkin A'zam. *Shovqin* (Noise), Toshkent: Uzbekistan, 2011, 240 p.